




“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КОРЕЯ:  
ҚАДИМДА ВА ҲОЗИРГИ КУНДА”



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ  
НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КОРЕЯ:  
ҚАДИМДА ВА ҲОЗИРГИ КУНДА**

**ИЛМИЙ СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ**  
(ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 31 май 2013 й.)

**Тошкент – 2013**

## Масъул муҳаррирдан

Мустақилликнинг учинчи ўн йиллигига кирган Ўзбекистон халқаро аренада ўз мавқеини кундан-кунга мустаҳкамлаш йўлида дунёнинг кўпгина давлатлари билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни тобора ривожлантириб бормоқда. Ана шу борада хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи ва улар билан турли даврлардаги ўзаро муносабатларни асл манбалар асосида ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътиборга молик.

Мазкур йўналишларни тадқиқ этиш ва уларни кенг илм аҳлига ҳамда халқимизга етказиш йўлида 2013 йилнинг 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги “Хорижий Шарқ мамлакатлари ва уларнинг Ўзбекистон билан муносабатлари (XX асрнинг 2-ярми)” лойиҳаси доирасида “Марказий Осиё ва Корея: қадимда ва ҳозирги кунда” номли илмий семинар ўтказилди.

Гарчи лойиҳа асосан XX асрнинг 2-ярми, яъни Корея ярми оролида икки: Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси (1948) ва Марказий Осиёда Ўзбекистон Республикаси (1991) мустақил давлатлар сифатида шаклланган даврни ўз ичига олган бўлсада, илмий семинар

мавзуларида мазкур минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий, таълим, маданият, маърифат ва маънавият соҳаларидаги жараёнларга бағишланган маърузалар эшитилди ҳамда уларнинг илмий мақолалар шаклидаги баёнлари ушбу материаллар тўпламидан жой олди.

Корея ярим ороли халқлари ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар милoddан олдинги даврга бориб тақалади. Бунини Афросиёб ҳаробаларидаги девор тасвирларида “Когурёдан юборилган киши” аск этганида кўриш мумкин. Марказий Осиё ва Корея ўртасидаги тарихий боғлиқликлар Когурё қироллиги даврида (618 й.) туяларнинг Кореяда пайдо бўлиши туркларнинг Хитой ҳамда шимолий Монголия орқали улар билан олиб борган муносабатлари, корейлик беш буддийнинг Ҳиндистонга сафарини Марказий Осиё орқали амалга оширгани, Когурёдан чиққан генераллардан бири Гао Тибет устидан қозонган ғалабасидан сўнг хитой армиясининг қўмондони сифатида Марказий Осиёга Шош (Шиго, Тошкент) давлатига юборилгани, унинг раҳбарлигидаги учинчи юриш Талас дарёси ёнида арабларнинг хитойликлар устидан зафари билан яқунлангани каби воқеаларда акс этган. Айтилганлардан, Корея сўнгги тахминан 1500 йил ичида ҳамкорликни амалга оширган хитой, араб, ҳинд ва туркий маданият унга ўз таъсирини кўрсатганини кўриш мумкин.

Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг Корея билан ҳамкорлиги янги босқичга кирди ва ҳозирги кунда фаол давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани уларнинг аксарият масалаларга ёндошувлардаги мавқелари бир-бирига ҳамоҳанглигида акс этмоқда. Бунинг воқеликда намоён бўлаётганини биз Ўзбекистонда машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда жанубийкорейлик инвесторлар иштирокида фаолият олиб бораётган 138 муассаса мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Корея Республикасида XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб исломни тарқалиши, ҳозирги кунда умумий аҳолига нисбатан олганда кам сонли бўлсада, тахминан 45-50 минг мусулмон борлиги ва ўнга яқин масжид фаолият олиб бораётгани воқелиқдир. Мазкур факторнинг келиб чиқиши, яъни тарихан буддавийлик ҳукм сурган мамлакат Кореяда исломнинг тарқалиши ўзига хос моҳият касб этади. Материаллардан ўрин олган мақолалардан бири ҳам айти шу масалани ёритишга бағишланган бўлиб, исломни бу мамлакатда тарқалишининг асосий сабабларидан бири сифатида Корея Республикасининг Арабистон ярим ороли, хусусан Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ҳамкорлиги асос қилиб кўрсатилган. Айти

пайтда Кореянинг мазкур минтақадаги араб давлатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

1991 йилда Марказий Осиёда мустақиллигини киритган давлатлардан бири – Қозоғистон Республикаси ва унинг Корея Республикаси билан муносабатлар таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлиги мисолида кўсатиб берилган. Ж.Тулибосванинг мазкур мавзуга бағишланган мақоласида Корея Республикасидаги таълим ва илм-фан ривожланиши, Қозоғистон ва Корея ўртасида ушбу соҳага оид имзоланган ҳужжатлар, икки давлатдаги олий ўқув юртларнинг ушбу йўналишдаги ўзаро алоқалари, Қозоғистон ва КОИКА ҳамкорлиги кенг ёритилган.

Ғ.Бобоёровнинг мақоласи орқали биз ўрта асрлардаги, аниқроғи VIII асрдаги Турк ҳоконлиги, Суғд, Тўхористон ва Корея ҳукмдорлик бошқарувида бир-бирига ўхшаш ва баъзи вақтларда айни маънодаги унвонлар, хусусан *Тархон* унвони ишлатилганидан хабардор бўламиз.

Ушбу мавзунинг узвий давоми сифатида А.Кубатиннинг “Лингвистические контакты между древними тюрками и корейцами” мақоласини зикр этиш жоиз. Мақолада Олтой тил гуруҳига кирувчи туркий ва корейс тиллари ўргасидаги қатор атамалар таҳлил этилган.

Б.Абидовнинг “Корея Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (ASEAN) билан алоқалари” маърузаси асосида киритилган мақола қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Хусусан, 1967 йилда тузилган мазкур ассоциацияга Корея Республикаси 1994 йилдан кузатувчи мақомида иштирок этиб келиши, 2004 йилда ASEANнинг Вьетнамдаги саммитида “Корея Республикаси билан ASEAN ўртасидаги алоқалар”га бағишланган Қўшма баёнот эълон қилингани ҳамда 2005 йилда “Корея – ASEAN ҳаракат режаси” қабул қилингани икки томонлама алоқаларининг чуқурлашиши ва тобора кенгайишига хизмат қилаётгани ҳамда Корея ASEANга аъзо қатор давлатларга инвестициялар киритиш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошираётгани ёритилган.

Корейсларнинг Ўзбекистондаги расмий истиқомати 1897 йилда аҳолини рўйхатга олишда зикр этилган бўлиб, улар 3 эркакдан иборат бўлган. Кейичалик уларнинг сони секин-аста ошиб борган ва 1926 йилда 36 кишини ташкил этган. 1937 ва 1938 йиллардаги мажбурий кўчиришлар натижасида Ўзбекистондаги корейсларининг сони 150 минг кишига етган.

Корейсларнинг Ўзбекистондаги ҳаёти ва урф-одатлари “Фарғона корейслари ва уларнинг оила-никоҳ маросимлари” мақоласида акс эттирилган бўлиб, унда корейслар ҳозирги кунда

хам аксарият урф-одатларига асосан амал қилиши билан бирга баъзилари ўзгаргани ёки иқтисодий сабабларга кўра бажарилмай қолаётгани баён этилган.

Ўзбекистондаги корейсларнинг жанубийкорейликларни тасаввур этишига бағишланган мақола эса турли минтақаларда яшаётган бир миллатга мансуб кишиларнинг дунё қараши, таъбир жоиз бўлса маҳаллий муҳит асосида бир-бирига нисбатан ўзгарганлигини яққол кўрсатганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу М.Теннинг “К вопросу о восприятии образа южнокорейцев корейцами Узбекистана” мақоласидаги ўтказилган сўров баёнида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейсларга эзгулик, очиклик ва ҳимматлилик хос бўлса, жанубийкорейлик ушбу миллат вакилларига очкўзлик, омилкролик ва хушмуомалалик сифатлари мансуб деб ҳисоблашлари таъкидланган.

Юқорида айтилганлар муайян шахсларнинг хулосаси бўлса, ўзбеклар ва корейсларнинг маданиятини чуқур ўрганиш орқали улар ўртасида кўнгина ўхшашликлар борлиги илмий жиҳатдан ҳам таҳлил этилган. Бу мавзуга М.Козьминанинг “К вопросу об общих инвариантах в культуре узбеков и корейцев” мақоласи бағишланган. Мақолада зикр этилганидек, XX асрнинг ўрталарига қадар ўзбеклар ва корейслар жамоавий муносабат шаклини сақлаб қолганлари ва ерни ишлаш услуби улар учун



асосий фаолиятни ташкил қилгани ҳамда корейс ва туркий тиллари тил жиҳатидан бир – Олтой тил оиласига мансублиги ҳам ўзига хос маъно касб этиши зикр этилган. Айни пайтда тамаддун жиҳатидан иккала миллат вакиллари ўзаро бир хил даражадаги ривожланиши уларни умумий: аجدодлар хотирасини қадрлаш; катталарни ҳурмат қилиш; оилада эркак кишининг юқори мартабага эгаллиги; итоаткорлик (фарзандларни ота-онага, хотинни эрига); ахлоқий жиҳатдан мураккаб тизимга сўзсиз амал қилиш ва бошқалар. хусусиятлар орқали бирлаштирилишида акс этади.

Мазкур мавзунинг давоми сифатида хотин-қизлар, жумладан аёлнинг жамиятдаги ўрни борасида фикр юритилган “Роль женщины в корейском обществе” номли мақолани зикр этиш лозим. Аёлларнинг Кореядаги мавқеи қадимда ва ҳозирги кундаги кўриниши – эркак киши “Осмон каби” юқори ва аёл киши “Ер каби” паст мавқега эгаллигига ўрта асрларда қатъий амал қилингани, аммо XIX асрнинг охирига келиб бу вазият ўзгаргани таъкидланади. Аёл киши таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиши, маданият ва маърифат соҳаларида фаолият олиб бориши аста-секин қадимий салбий ҳолатларга чек қўяётгани ҳамда бу ўзгаришлар сўнгги 10-12 йилда яққол намоён бўлаётгани мақоланинг асосий мағзини ташкил этган. Бундай ўзгаришлар сирасида таълим соҳаси алоҳида аҳамият касб

этгани, яъни аёллар учун махсус мактаблар, олий таълим муассасалари очилганлиги муҳим қадам бўлган. 1999 йилга келиб, иқтисод соҳасида машғул бўлганлар орасида аёллар 48 фоизни ташкил этган. Ҳозирги кунда бу анъананинг давоми сифатида ижтимоий соҳа – оила қуришда ҳам қатор ижобий натижалар қайд этилмоқда.

Кореянинг таълим соҳасидаги жараёнлари ва ҳозирги кундаги ютуқлари У.Ҳабировнинг “Система образования в Республики Корея: ее место и роль в международной системе образования” номли мақоласида батафсил ва ҳар томонлама баён этилган. Кореяда биринчи таълим муассасаси “уч давлат даври” – Когурё, Пекче ва Силла (IV – VII асрлар)да пайдо бўлгани; ҳозирги кунда мактабгача таълим, бошланғич таълим, ўрта таълим ва олий таълим тизими мавжудлиги ҳамда уларда ўқиш муддати аниқ кўрсатилгани; Кореяда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда хусусий таълим муассасалари ҳам борлиги ва улар аксариятни (80 фоизгача) ташкил этиши; таълим асносида талабаларга математика, корейс ва инглиз тиллари, аниқ ва ижтимоий фанларга катта эътибор берилиши мақоланинг қийматини оширувчи жиҳатлардан бири сифатида зикр этиш жоиз.

Айтилганларни умумлаштирадиган бўлсак, тақдим этилаётган ушбу тўплам ва унда зикр этилган “Центральная

Азия и Корейский полуостров – связь из глубины времени”, “Ислам и сотрудничество Республики Корея с государствами Аравийского полуострова”, “Республика Казахстан и Республика Корея: сотрудничество в сфере образования и науки”, “К вопросу о восприятии образа южнокорейцев корейцами Узбекистана”, “Роль женщины в корейском обществе”, “Система образования в Республики Корея: ее место и роль в международной системе образования”, “К вопросу об общих инвариантах в культуре узбеков и корейцев”, “*Тархон* унвонининг Турк хоқонлиги – Суғд – Тўхористон – Корея хукмдорликлари бошқарувида қўлланилиши: функцияси, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари” ва бошқа мақолаларда Марказий Осиё ва Корея ўртасидаги ўзаро муносабатлар, улардаги тарихий ривожланиш босқичлари, мамлакатлар бошқаруви тарихи, ижтимоий ҳаёт, таълим ва илм-фан соҳасидаги ривожланиш, урф-одатларнинг ўзаро ўхшашлиги борасидаги масалалар ёритилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Мақолаларда келтирилган барча маълумот ва хулосалар учун муаллифлар масъул.

## **К вопросу о восприятии образа южнокорейцев корейцами Узбекистана**

*М.Д. Тен, к.и.н., с.н.с.*

*Институт истории АН РУз*

Тесное взаимодействие между Республикой Корея и Узбекистаном привело к тому, что немало наших граждан сумели побывать на корейском полуострове, а граждане Южной Кореи, в свою очередь смогли посетить нашу республику. В связи с этим в исследовании возникает важный вопрос об изучении образа южнокорейцев, возникающего у корейцев Узбекистана.

В основу статьи были положены данные проведенного автором социологического исследования (2009-2010 гг.), которое было посвящено этнокультурной идентичности корейцев Узбекистан и включало в себя раздел о взаимоотношениях корейцев Узбекистана с южнокорейцами. Опрос проводился в г. Ташкенте и Ташкентской области. Методом глубинного интервью был опрошен 21 человек. Анкетный опрос охватил 500 корейцев Узбекистана. В нем принимали участие корейцы молодой (до 30 лет), средней (31-55 лет) и старшей (56 лет и выше) возрастных групп.

Данные социологического опроса выявили, насколько интенсивно происходят подобного рода контакты. Большинство респондентов (58,6 %) ответили, что они не общаются с южнокорейцами, 29,4 % респондентов – общаются редко, 6,8 % – часто и 4,4 % респондентов общаются с ними постоянно. Причем среди молодых корейцев доля постоянно общающихся с южнокорейцами немного выше (7,2 %), чем в других возрастных группах.

Это связано, прежде всего, с тем, что молодые люди сами по себе являются наиболее активной частью общества, вследствие чего происходит их более сильное вовлечение в процесс коммуникации. Однако в целом, по всем возрастным группам количество постоянно общающихся с южнокорейцами относительно мало.

При ответе на вопрос о том, в чем, по мнению респондентов, проявляется разница корейцев Узбекистана и Южной Кореи, наибольшее количество респондентов указало вариант «в манере поведения» – 75,6 %. Эта черта южнокорейцев находится как бы на поверхности, поэтому ее трудно не заметить. Далее следует вариант «в менталитете» – 57,4 %. Менталитет понятие не осязаемое, однако оно напрямую связано с манерой поведения.

Как показывают данные интервью, на вопрос о том, в чем проявляется разница между корейцами Узбекистана и Южной Кореи, преобладали примерно следующие ответы: «Наши более добродушные, более, как сказать, приветливые, чем южные корейцы»<sup>13</sup>, «...хоть у нас нет лишней копейки, но мы можем быть добрыми, можем... с доброй душой относиться к другим бедностям. А у них, может быть, все связано с деньгами...»<sup>14</sup>.

Один из респондентов (женщина, 39 лет) ответила, что разница проявляется «абсолютно во всем. Кроме внешнего вида больше ничего нас не объединяет»<sup>15</sup>. Эти цифры дополняют ответы на другой вопрос исследования, где респондентам предлагалось выбрать из предлагаемых вариантов ответа те качества, которые, по их мнению, наиболее присущи либо корейцам Узбекистана, либо корейцам Южной Кореи.

По мнению респондентов, корейцам Узбекистана наиболее присущи такие качества, как доброта, открытость, щедрость. По их же мнению, корейцам Южной Кореи наиболее свойственны такие качества, как жадность, практичность,

---

<sup>13</sup> Полевые исследования автора. Интервью. Женщина, 54 года. Поселок Дуслик. 23.08.2009 г.

<sup>14</sup> Полевые исследования автора. Интервью. Женщина, 55 лет. Поселок Ахмад Яссави. 05.07.2009 г.

<sup>15</sup> Полевые исследования автора. Интервью. Женщина, 39 лет. Поселок Дуслик. 23.08.2009 г.

вежливость. В одинаковой мере представителям обеих сторон свойственны такие качества, как трудолюбие и ум.

Во многом такие ответы объясняются тем, что респонденты сами являются корейцами Узбекистана и естественно, субъективно на себя они примеряют более позитивные качества. Тем не менее, данную южнокорейцам более негативную характеристику можно объяснить реальным опытом общения и появившимся вместе с ним стереотипом. В принципе жадность и практичность находятся где-то рядом, ведь в обоих случаях речь идет о некой финансовой стороне характера корейцев Республики Корея.

В ходе интервью сами респонденты высказывались о причинах появления такого стереотипа о южнокорейцах. По их мнению, причина заключается в том, что Южная Корея является развитой капиталистической страной. Отсюда вытекает определенная экономичность в финансовых вопросах южнокорейцев, в которых присутствует умение считать деньги. В отличие от них, наши корейцы, по мнению респондентов, более расточительны и просты.

При изучении личных взаимоотношений корейцев Узбекистана и корейцев Южной Кореи особую роль играют межнациональные браки между ними. Как показывают данные исследования, 43% респондентов относятся к таким бракам

положительно, 18% респондентов – отрицательно, 26,4 % респондентов ответили, что им все равно и 12,6 % – затруднились ответить.

Здесь необходимо сделать акцент на браках кореянок Узбекистана с корейцами Южной Кореи, ведь обратный вариант трудно представить. Наши женихи не являются убедительными для южнокорейских невест в качестве «добытчика» в самой Корее, где они не конкурентоспособны. Хотя, как рассказал в интервью один из трудовых мигрантов, работавший в Корее<sup>16</sup>, случаи браков женщин-южнокореянок с корейцами Узбекистана имели место быть. При этом мужьями в таких случаях становились трудовые мигранты.

Что же касается кореянок из нашей республики, вступающих в брак с корейцами из Южной Кореи, то механизм сведения партнеров из двух стран давно отлажен. Достаточно просмотреть ташкентские газеты с объявлениями, чтобы понять масштабы работы брачных агентств, предлагающих свои услуги. Как правило, в качестве мужей предлагаются южнокорейцы старше 30-ти лет с определенной материальной базой. Чаще всего наших кореянок толкает к браку материальная необходимость.

---

<sup>16</sup> Материалы исследования М.Д.Тена на тему «Трудовая миграция корейцев Узбекистана в Республику Корея. Интервью с Тюгай Е.А., г. Ташкент. 12.04.2008 г.



Что же толкает мужчин-южнокорейцев вступать в брак с корейками из Узбекистана? Этот вопрос был рассмотрен в докладе Сонг Чангзу<sup>17</sup>, где он говорит о кризисе традиционной идентичности южнокорейцев. На примере образов в корейском кинематографе он говорит о том, что в поисках невесты-корейки в Узбекистане, мужчина-южнокореец пытается найти то, что утеряно в самой Корее, а именно дух традиционности в женщине, ее образ «хранительницы очага», невинный и немеркантильный. Поэтому сегодня в Корее, «очень много наших женщин из Узбекистана, которые вышли замуж за южнокорейцев»<sup>18</sup>, и это наглядно показывает, насколько велики масштабы кризиса в современном корейском обществе.

К сожалению, статистики количества заключения таких браков не проводилось. Тем более не исследовался вопрос относительно того, как в дальнейшем складывалась судьба этих союзов. На основе косвенных данных мы можем предположить, что в последние годы произошло снижение доли именно кореек Узбекистана в браках с южнокорейцами. В одном из

---

<sup>17</sup> Song Changzoo. Nostalgia for women of purity, honesty and strength: reflections on the images of diasporic Korean women of China and Uzbekistan in recent Korean films / Cultural Interaction with Korea. From Silk Road to Korean Wave. Proceedings of the World Congress of Korean Studies. – Vol. 1. – Seoul, 2006. – P. 611-623.

<sup>18</sup> Тен М.Д. Трудовая миграция корейцев Узбекистана в Республику Корея // Известия корееведения в Центральной Азии. – Алматы, 2009. – Вып. 8 (16). – С. 70.

интервью, человек, работавший с южнокорейцами, сказал, что в последние годы возросло количество узбечек, вступающих в брак с южнокорейцами<sup>19</sup>.

Если среди лиц средней и старшей возрастной группы доли тех, кто положительно относится к бракам с южнокорейцами, достаточно высоки (49,7 % и 56,5 % соответственно), то в младшей возрастной группе это количество составляет уже 25,6 %. При этом доля тех, кто относится к таким бракам отрицательно, среди молодых корейцев выше, чем в других возрастных группах – 22,8 %.

Как показывают интервью исследования, среднее и старшее поколение нередко считают южнокорейцами такими же корейцами, как и они сами, поэтому негатив в их отношении проявляется не сильно. Что касается молодежи, то в этом вопросе они часто задумываются о разнице в менталитете, культуре, привычках.

Мужчин, поддерживающих браки с южнокорейцами, оказалось на 10% больше и составило 49,7 %, нежели чем среди женщин – 39 %. Как показывают данные интервью, на вопрос «могли бы Вы вступить в брак с корейцем (корейкой) из Южной Кореи?», в большинстве своем от мужчин-корейцев был

---

<sup>19</sup> Тен М.Д. К вопросу о личных взаимоотношениях корейцев Узбекистана и корейцев Южной Кореи // Маънавий мерос – ёшлар тадқиқотда / Научный сборник молодых ученых республики. – Ташкент, 2011. – С. 240-241.

получен положительный ответ. И тогда им был задан дополнительный вопрос: «не отразится ли разница в менталитете на браке?» на что один из опрошенных ответил: «в принципе, у женщины будет такой менталитет, какой будет у мужа»<sup>20</sup>.

По итогам проведенного исследования мы видим, что при формировании образа южнокорейцев в сознании корейцев Узбекистана достаточно сильно проявляется идентификация «свой–чужой». Сокращение ментального барьера между представителями корейской диаспоры Узбекистана и южнокорейцами будет происходить по мере увеличения личных контактов между ними. Этому способствует трудовая миграция в Республику Корея, а также брачные союзы.

Не секрет, что сегодня наблюдается огромный интерес корейцев Узбекистана к культуре своей исторической родины. Можно сказать, что в Узбекистане идентификация с культурой полуострова является фактором повышения имиджа корейской диаспоры. Всё это мотивирует представителей диаспоры сильнее воспринять культурные ценности полуострова, что в свою очередь будет способствовать сокращению культурного разрыва между корейцами Узбекистана и корейцами Республики Корея.

---

<sup>20</sup> Тен М.Д. Трудовая миграция корейцев Узбекистана в Республику Корея. С. 70.

## МУНДАРИЖА

Масъул мухаррирдан.....	3
<i>Каримова Н.Э.</i> Центральная Азия и Корейский полуостров – связь из глубины времен ...	12
<i>Мунавваров З.И.</i> Ислам и сотрудничество Республики Корея с государствами Аравийского полуострова...	21
<i>Тулибаева Ж.М.</i> Республика Казахстан и Республика Корея: сотрудничество в сфере образования и науки ...	31
<i>Бобоёров Ф.</i> Тархон унвонининг Турк хоқонлиги–Суғд–Тўхористон–Корея ҳукмдорликлари бошқарувида қўлланилиши: функцияси, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари	42
<i>Абидов Б.Т.</i> Корея Республикасининг Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (ASEAN) билан алоқалари	46
<i>Қўлдошев Ш.Т.</i> Фарғона водийси корейслари ва уларнинг оила-никоҳ маросимлари	51
<i>Тен М.Д.</i> К вопросу о восприятии образа южнокорейцев корейцами Узбекистана .....	56
<i>Козьмина М.И.</i> К вопросу об общих инвариантах в культуре узбеков и корейцев .....	64
<i>Кубатин А.В.</i> Лингвистические контакты между древними тюрками и корейцами .....	69
<i>Зиёев Ш.</i> Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларда сиёсий-маданий мулоқот	72
<i>Хусаинова Л.</i> Роль женщины в корейском обществе	77
<i>Хабиров У.</i> Система образования в Республике Корея: ее место и роль в международной системе образования	90

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ  
НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КОРЕЯ:  
ҚАДИМДА ВА ҲОЗИРГИ КУНДА**

**ИЛМИЙ СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ**  
(ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 31 май 2013 й.)

---

Отпечатано в типографии ООО «Munisdesigngroup»,  
заказ № 17. Подписано в печать 17.06.2013г.,  
формат 60x84 1/16. Печатный лист 6,25  
Тираж 150 шт., Адрес: г.Ташкент, ул.И. Муминова 13

